



MODERN SCIENTIFIC CHALLENGES AND TRENDS

COLLECTION OF SCIENTIFIC WORKS
OF THE INTERNATIONAL SCIENTIFIC CONFERENCE

**Issue 4(38)
Part 2**

**Warsaw
2021**



MODERN SCIENTIFIC CHALLENGES AND TRENDS

ISSUE 4(38)
Part 2

May 2021

Collection of Scientific Works

WARSAW, POLAND
Wydawnictwo Naukowe "iScience"
7-9 May 2021

ISBN 978-83-949403-3-1

MODERN SCIENTIFIC CHALLENGES AND TRENDS: a collection scientific works of the International scientific conference (7-9 May, 2021) - Warsaw: Sp. z o. o. "iScience", 2021. Part 2 - 452 p.

Editorial board:

Bakhtiyor Amonov, Doctor of Political Sciences, Associate Professor of Tashkent University of Information Technologies

Baxitjan Uzakbaevich Aytjanov, Doctor of Agricultural Sciences, Senior Scientific Researcher

Bugajewski K. A., doktor nauk medycznych, profesor nadzwyczajny Czarnomorski Państwowy Uniwersytet imienia Piotra Mohyly

Yesbos'i'n Polatovich Sadi'kov, Doctor of Philosophy (PhD) Agriculture, Nukus branch Tashkent state agrarian university

Tahirjon Z. Sultanov, Doctor of Technical Sciences, docent

Shavkat J. Imomov, Doctor of Technical Sciences, professor

Sayipzhan Bakizhanovich Tilabaev, Candidate of Historical Sciences, Associate Professor. Tashkent State Pedagogical University named after Nizami

Marina Berdina, PhD

Hurshida Ustadjalilova, PhD

Dilnoza Kamalova, PhD (arch) Associate Professor, Samarkand State Institute of Architecture and Civil Engineering

Juraeva Sarvinoz Boboqulovna, Associate Professor of Philological Science, head of chair of culturology of Khujand State University named after academician B. Gafurov (Tajikistan)

Oleh Vodiany, PhD

Languages of publication: українська, русский, english, polski, беларуская, казакша, o'zbek, limba română, кыргыз тили, Հայերեն

The compilation consists of scientific researches of scientists, post-graduate students and students who participated International Scientific Conference "MODERN SCIENTIFIC CHALLENGES AND TRENDS". Which took place in Warsaw on 7-9 May, 2021.

Conference proceedings are recommended for scientists and teachers in higher education establishments. They can be used in education, including the process of post - graduate teaching, preparation for obtain bachelors' and masters' degrees.

The review of all articles was accomplished by experts, materials are according to authors copyright. The authors are responsible for content, researches results and errors.

ISBN 978-83-949403-3-1

© Sp. z o. o. "iScience", 2021

© Authors, 2021

TABLE OF CONTENTS

SECTION: AGRICULTURAL SCIENCE

Arzu Rövsən qızı Babazadə (Gəncə, Azərbaycan) SƏPİN MÜDDƏTİNİN VƏ BİTKİ SIXLIĞININ PAMBIQ SORTLARININ MƏHSULDARLIĞINA TƏSİRİ.....	12
Namazova R. V. (Baku, Azerbaijan) YER FİNDİĞİNİN YAYILMASI VƏ MÜŞTƏRƏK ƏKİNLƏRİNDƏ MƏHSULLARIN KULİNARIYA KEYFİYYƏTİ.....	15
Дадаходжаев Анваржон, Мамаджонов Маъруфжон, Ўктамов Сардор (Наманган, Ўзбекистон) АДИРЛАРДА ЭКОЛОГИК ТОЗА МАҲСУЛОТ ЕТИШТИРИШДА ЎСИМЛИКНИНГ ТУПРОҚ ВА ОЗУҚА ТАЛАБЛАРИНИ БОШҚАРИШ.....	20
Рахмонов Шохрух Убайдулло ўғли (Самарқанд, Ўзбекистон) ҒЎЗАНИНГ МОРФОБИОЛОГИК ШАКИЛЛАНИШИГА СУҒОРИШ ТАРТИБЛАРИ ВА ЧИЛПИШ МУДДАТЛАРИНИНГ ТАЪСИРИ	23
Худаёров М. Т. (Ташкент, Ўзбекистон) ЎЗБЕКИСТОНДА ПАХТА ВА СОЯ УРУҒЛАРИНИ ЁНМА-ЁН ЭКИШ МУАММОСИНИНГ БУГУНГИ ҲОЛАТИ ВА ИСТИҚБОЛДАГИ ЕЧИМЛАРИ.....	26

SECTION: ART STUDIES

Kurbonova M. B. (Namangan, Uzbekistan) DECORATIVE COMPOSITION AS A SPECIAL FORM OF APPLIED ART	28
Tursunbayeva N. (Fargona, Uzbekistan) MUSIQA MADANIYATI VA UNING HAYOTDAGI O'RNI	33
Абдуллаев Равшанжон Шералиевич (Ташкент, Ўзбекистон) МАДАНИЙ МЕРОС ЁДГОРЛИКЛАРИДА ДЎМБИРА ЧОЛҒУСИ ДЎМБИРА ЧОЛҒУСИ ГЕНИЗИСИ	35
Мамаджанов Улуғбек Валиевич (Фарғона, Ўзбекистон) ЎЗБЕКИСТОНДА МУСИҚИЙ ЧОЛҒУЛАРНИНГ ТАРИХИЙ ТАРАҚҚИЁТИ	40
Ражабова Роҳила Закировна (Бухоро, Ўзбекистон) БУХОРО АМИРЛИГИ ДАВРИДА ЯРАТИЛГАН НОЁБ ҚҮЛЁЗМА АСАРЛАР.....	45

SECTION: BIOLOGY SCIENCE

Bekitayeva Aidana Kuandykovna, Vsevolodov Eduard Borisovich (Almaty, Kazakhstan) POSSIBLE MECHANISMS OF CHANGES IN THE CELL PARAMETERS OF THE HAIR'S CORTICAL LAYER AFTER LOCAL IRRADIATION OF THE SKIN AND IN CONTROL.....	48
Mamadierova Shakhnoza Izzatillaevna (Jizzakh, Uzbekistan) STABILITY IN CHLOROPHYLL SOLUTIONS.....	51
Omanov Anagul Sultonovna, Otajonova Dilfuza Otobek qizi, Raximov Murodjon Davlatboy o'g'li (Tashkent, Uzbekistan) DORIVOR GIYOHLAR.....	54

Ражабова Роҳила Закировна
Бухоро давлат университети

Ислом тарихи ва манбашунослиги, фалсафа кафедраси таянч докторанти
(Бухоро, Ўзбекистон)

БУХОРО АМИРЛИГИ ДАВРИДА ЯРАТИЛГАН НОЁБ ҚЎЛЁЗМА АСАРЛАР

Аннотация. Дарҳақиқат, ўзбек халқининг тарихи ва маданияти бир неча минг йилликларни ўз ичига олади. Аждодлар қолдирган, асарлар давомига яратилган моддий ва маънавий мерос эса инсоният тарихининг бой такрорланмас қисмини ташкил этади. Уларнинг катта қисми эса маданият соҳасида тўпланган бойликлардир.

Калит сўзлар: Қўлёзма, Бухоро, манба, тарих, мерос, маданият.

Ўтган йиллар мобайнида аждодларимизнинг юзлаб қўлёзма асарлари дунё юзини кўрди, республикамизда ва хорижда минглаб нусхаларда нашр этилди. Бу ҳам тарихимизнинг бой ўтмишига ва меросига кўрсатилган эҳтиром ва эътирофдир. Айниқса, ўзбек хонликлари даврида яратилган юзлаб ноёб қўлёзма асарлар бугунги кунда халқимизнинг бебаҳо маънавий мероси сифатида ўз таркибида маданий ҳаётнинг турли соҳаларига кўплаб маълумотларни етказиб келаётганлиги билан бир қаторда давлатчилик жараёнлари, иқтисодий ва сиёсий ҳаёт тафсилотлари, дипломатик алоқаларга оид қимматли маълумотларни жамлаган, айтиш мумкин уларнинг барчаси бу даврлардаги маданий ҳаётнинг энг асосий жиҳатларини акс эттиради.

Бугунги кунда тарих фанига қўйилаётган талаблар ўтмишни синчиклаб ўрганиш, уларни ҳал этишга бўлган ёндашувлар ва нуқтаи-назарларни таҳлил этиб, улардан бугунги кун учун зарур хулосаларни чиқаришни талаб этади. Тарихни ўрганишга бўлган муносабатнинг турли сиёсий тузумлар таъсирида ўзгариб туриши бугунги кун тадқиқотчилари олдида уни холисона таҳлил қилиш ва объектив илмий хулосалар чиқариш каби катта ва масъулиятли вазифа қўяди. Бунда энг аввало илмий билишнинг асосий тамойиллари, умумжаҳон тарих фанининг назарий – концептуал асослари, миллий истиқлол мафкураси фалсафасига асосланиш муҳим аҳамият касб этади. Мустақилликка эришган республикамиз миллий маданиятининг тезкорлик билан ривожланиши табиий равишда унинг асосий манбаи бўлмиш маданий меросимизни кенг ва чуқур, ҳамда илмий асосда изчил ўрганишимизни тақозо этади. Маълумки, ўзбек халқи давлатчилиги ва цивилизасияси тарихида ўзбек хонликлари даври муҳим босқич ҳисобланади. Шу жумладан ўзбек халқи маданияти тарихида Бухоро амирлигида маданий ҳаёт жараёнлари ҳам алоҳида аҳамият касб этади, ўзбек халқининг маданий ва маънавий меросини ўрганиш нуқтаи назаридан Бухоро амирлигидаги маданий ҳаёт ва маданий ҳаёт соҳаларининг алоҳида хусусиятларини ўрганиш долзарб тадқиқот мавзуларидан бири саналади.

Амирликнинг маданий ҳаётида хаттотлик ҳам муҳим ўрин эгаллаган. Бу даврда Самарқанд, Бухоро, Шаҳрисабз каби шаҳарларда хаттотлик мактаблари мавжуд бўлган. Ўз касбининг устаси бўлган моҳир хаттотлар давлат ва хўжалик ҳужжатлари тайёрлашда, илмий-бадний асарлар ёзиш ва кўчиришда меъморий иншоотларга турли ёзувлар (Қуръони карим оятлари, ҳадислар, ҳикматлар)ни чиройли нақшлар тарзда битишда

машхур бўлганлар¹. XVIII-XIX асрларда Бухоро хаттотлик мактабининг намояндалари ҳақида гап борганда, албатта уларнинг усулларига қараб туркумлаш муҳимдир. Бухоро хаттотлари ўз ижодларида турли хат усулларидан фойдаланишган. Айниқса, Бухоро хаттотлик мактаби вакилларида насталиқ хатини қўллаш кенг ўрин тутган. Бухоро тарихига алоқадор манбаларда XVIII-XIX аср бошларида Бухорода яшаб ижод қилган 104 нафар хаттотларнинг номлари келтириб ўтилган. Хаттотлар китоб кўчириш билан бирга устозлик қилишган, мадрасаларда таълим беришган. Ҳаттоки улар орасида китобат санъати билан шуғуланувчилари ҳам бўлган. Шулардан насталиқ ва насх хатларида китоб кўчирувчилардан: Муҳаммад Юсуф Махдум, Шаҳобиддин Махдум Фозилжон ўғли, Назруллоҳ Лутфий, Ҳожи Нематуллоҳ, Қори Аҳмад Котиб Бухорий, Мақсуд Хўжа, Мирзо Абдулкарим, Мирзо Қамаржон, Ҳожи Абдусаттор, Мирзо Абдуллоҳ Котиб, Мирзо Раҳматуллоҳ, Мирзо Саъдуллоҳий Бухорий, Мир Файзуллоҳ ва Мир Раҳматуллоҳ, Абдуллоҳбек Котиб ва бошқалардир.

Бухорода амир Шоҳмурод (1785-1800)нинг ҳукмронлиги даврида адабиётнинг барча турлари гуллаб яшнаган. Бухоронинг манғитлар замонидаги тарихига оид кўплаб асарлар яратилган. Бироқ Бухоро ва Самарқанд олимларининг фаолияти феодал илм-фани доирасидан чиқиб кета олмаган. Табиий илмлар, жуғрофия, космография ва бошқалар ўрта асрлар муаллифларининг асарларидаги маълумотларни такрорлаган².

Бухорода амир Шоҳмуроднинг ўғли амир Ҳайдар (1800-1826) ҳукмронлик қилган даврда илм-фан умуман инкирозга учрайди. Шу жумладан тарих фани ҳам. Бу даврда “Тарихи амир Ҳайдар” ва “Гулшан ал-мулк” асарлари ёзилган. Тарихчиларнинг асарларида Амир Ҳайдарнинг мадрасада таълим олувчи 400-500 нафар талаба шогирдлари ҳам бўлганлиги қайд этилган. Амир Ҳайдар талабалар учун Истанбулдан китоблар келтиришга шахсан ўзи ҳаракат қилган³.

Ахмад Дониш мударрислик касбининг машаққатлари ҳақида, “Кундуз куни муаллим ўз ўқувчилари билан машғулотда банд бўлади, кечкурун эса эртанги кунги машғулотларга тайёрланади, Хуллас, у умр бўйи ўқийди ва ўз касби билан муттасил, танафуссиз шуғуланади”, деган фикрларни баён қилган⁴.

Ушбу даврдаги Бухоронинг аҳволи ҳақида баъзи муаррихлар салбий фикрларни ҳам билдириб ўтганлар. Масалан, Эдвард Оллворт қуйидагича келтириб ўтган: “Минг сулоласидан бўлган амир Ҳайдар Тўра (1800 – 1826) замондошларидан анча ортда қолиб кетган эди. Амирлик ватандошлари сони 2,5 миллион киши бўлишига қарамай, давлатининг ҳудудлари қисқариб бораётган эди. Ўзбек қабилалари билан муносабатлар ҳам чигал эди. Ушбу ҳолат таълим ва тарихни ўрганишга салбий таъсир кўрсатди – бухороликларнинг аксарияти 150 та мадраса бўлишига қарамай, на ўқишни ва на ёзишни билар эди. Бундан ташқари, олий ўқув юртларида толиби илмлар астрономия (илми

¹ Б. Эшов, «Ўзбекистон давлатчилиги ва бошқаруви тарихи», Тошкент-2012. <https://shosh.uz/buhoro-amirligi-avvali-va-ohiri/>

² Ўзбекистон халқлари тарихи. 2-жилд. ЎзРФА “Фан” нашриёти. –Т.: 1993. - Б. 77.

³ Анке Фон Кюгелген. Легитимация среднеазиатской династии мангитов в произведениях их историег XVIII-XIX). - Алматы. Изд.:Дайк-Пресс, 2004. - С. 107

⁴ Аҳмад Дониш. Путешествие из Бухары в Петербург. - Сталинабад. 1960. - С. 224-225.

хайъат) билан астрологиянинг (илми нужум) фарқига бормас, амир эса кўп вақтини диний таълимотларни ўрганишга сарфлар эди”⁵.

XIX асрдаги Қўқон муаррихлари орасида хон ўрдасида бошланғич таълим олиб, кейин Бухоро мадрасаларидан бирида ўқиган Муҳаммад Ҳақимхонни ажратиб кўрсатиш мумкин. Унинг “Мунтаҳиб ут-тавориҳ” асари машхур бўлиб, Ўрта Осиё тарихи бўйича қимматли манба ҳисобланади. Зотан, унда муаллиф тарихни маҳаллий ва сулола нуқтаи назаридан ўрганишнинг тор доирасидан чиқиб, кенг кўламда тадқиқод олиб бора олган⁶.

Бу даврда яратилган тарихий асрларнинг кўпчилиги ҳукмрон манғитлар сулоласи тарихига бағишланган бўлиб, уларда ўрта асрлар тарихнавислигидаги анъаналарни давом эттирилгани кузатилади. Амирликда яшаб ўтган илм-фан намоёндаларининг фаолияти кўп қиррали бўлиб, уларнинг аксарияти тарихий асарлар ҳам яратганлар. Хусусан, Мулло Ибодулланинг “Тарихи амир Ҳайдар”, Муҳаммад Шарифнинг “Достони амирони манғит”, Мир Олим Бухорийнинг “Фатҳномаи султоний”, Мирзо Абдулазим Сомийнинг “Тарихи салотини манғития”, “Даҳмаи шоҳон”, Муҳаммад Шариф ибн Муҳаммад Нақининг “Тоҷу тавориҳ”, Аҳмад Донишнинг “Манғитлар хонадони ҳукмдорлари тарихидан қисқача рисола”, Мирзо Содик Муншийнинг “Манғит ҳукмдорлари тарихи” кабилар шулар жумласидандир.

Олиб борган изланишлар жараёнида яна шу нарса маълум бўлдики, XVIII ва XIX асрда олимлар кўпроқ тарихий асарлар билан бир қаторда тасаввуфий асарлар ёзишга эътибор қаратганлар. Тарихий асарлар кўп ёзилишига сабаб, ҳаммага маълумки ўша даврнинг билимли ва доно шахслари ва олимлар амирлар ва ҳукмдорларга хизмат қилганлар ва саройларда фаолият олиб борганлар. Бухоро амирларига хизмат қилаётган олимлар ва дин пешволари албатта уларга бағишлаб асарлар яратганлар ва уларнинг олиб бораётган ҳукмронлик ишлари ва ўша давр воқеаларини қоғозга туширганлар. Тарихий асарларнинг кўп ёзилганлигига яна бир сабаб, ўша даврда ёзилаётган асарларга асосан амирлар ва бир амалдорлар ҳомийлик қилганлар ва улар ўзларига атаб асарлар ёзишни буюрганлар.

СПИСОК ИСПОЛЬЗОВАННЫХ ИСТОЧНИКОВ:

1. Б. Эшов. Ўзбекистон давлатчилиги ва бошқаруви тарихи. Тошкент-2012.
2. Ўзбекистон халқлари тарихи. 2-жилд. ЎзРФА “Фан” нашриёти. –Т.: 1993.- Б. 77.
3. Анке Фон Кюгелген. Легитимация среднеазиатской династии мангитов в произведениях их историев XVIII-XIX). - Алматы. Изд.:Дайк-Пресс, 2004. - С. 107
4. Аҳмад Дониш. Путешествие из Бухары в Петербург. - Сталинабад. 1960. - С. 224-225.
5. Эдвард Оллвортнинг “Замонавий ўзбеклар” китоби: Ўзбекчиликнинг ўзига хос асослари (1-қисм)116 бет.
6. Шодмон Воҳидов. Муҳаммадҳақимхон Тўра. «Мунтахаб ат-тавориҳ». Тошкент., “Янги аср” нашриёти. 2010. 716 бет.

⁵ Эдвард Оллвортнинг “Замонавий ўзбеклар” китоби: Ўзбекчиликнинг ўзига хос асослари (1-қисм) 116 бет.

⁶ Шодмон Воҳидов. Муҳаммадҳақимхон Тўра. «Мунтахаб ат-тавориҳ». Тошкент., “Янги аср” нашриёти. 2010. 716 бет.